

Муслима аёл ғайридин билан турмуш қуриши мумкин эмас

05:00 / 14.02.2017 4088

Муслима аёл фақат мукулмон эркак билангина турмуш қуриши мумкин. Ғайридин эркакка эрга тегиш муслима аёлга қаттиқ ман қилинган. Бу борада эркак аҳли китоб бўлса ҳам бўлмайди. Мукулмон эркак масиҳия ёки яҳудия аёлга уйланса бўлади. Аммо муслима аёл масиҳий ёки яҳудий эркакка турмушга чиқиши мумкин эмас. Нима учун, деган савол пайдо бўлиши турган гап. Жавоб қуйидагича:

Ислон ўзидан олдинги динларни тан олади. Жумладан, масиҳий ва яҳудий динларини ҳам тан олади. Масиҳий ва яҳудий динлари эса, Ислон динини тан олмайдилар.

Шу асосда масиҳий ёки яҳудий аёлга уйланган мукулмон эркак ўз хотинининг динини тан олади ва ҳурмат қилади. Шунингдек, унинг илоҳий китоби-Инжил ёки Тавротни, Пайғамбари Ийсо алайҳиссалом ёки Мусо алайҳиссаломни ҳам тан олади ва ҳурмат қилади.

Масиҳий ёки яҳудий эркак эса, Ислон динини ҳам, Қуръони Каримни ҳам тан олмайди, ҳурмат ҳам қилмайди, балки ҳақорат қилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам тан олмайди, ҳурмат қилмайди. Аксинча, алдамчи, фирибгар ва хотинбоз, деб ҳақорат қилади. Бундай ҳолда муслима аёл у билан қандоқ қилиб турмуш қила олади?

Қолаверса, Ислон масиҳий ва яҳудий аёлга мукулмон эркак билан яшаш давомида унинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, дини, эрки, моли ва бошқа нарсаларнинг дахлсизлигини таминловчи очиқ-ойдин қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйган.

Масиҳий ва яҳудий динларида эса, бу нарсалар ҳақида умуман бир оғиз ҳам сўз йўқ. Бундай ҳолда муслима аёлни қандоқ қилиб масиҳий ёки яҳудий эркак қўлига топшириб бўлади?

Ушбу масалага қўшимча равишда айтилиши керак бўлган гаплар ҳам бор:

– Агар ғайридин аёлнинг ота-онасидан бири аҳли китобдан, иккинчиси аҳли ширк ёки динсизлардан бўлса ҳам у аёлга уйланиб бўлмайди...